



Русия муваққат ҳукумати даврида турк ва ислом
қавмларининг ишбирлиги



Турк ва ислом кавмларининг ташкилотлар ва кенгашлар воситасидаги ҳамкорлиги рус расмий сиёсатининг бунга йўл қўймаганлиги туфайли 1906 йилдан бошлаб тушкунликка учради. Чор Русияси тузуми ағдарилгач, рус императорлигида яшайдиган ислом кавмларининг вакиллари бир неча учрашувларда биргаликда курашиш хақида келишиб олдилар. Турк кавмлар рус ҳукуматида манфаатларини муштарак ифода қилишга эътиборни қаратиб, 1917 йил март ойида Думада ислом гуруҳини ташкил этишди. Бу гуруҳнинг қарори билан 14-24 майда Москвада 800 вакил қатнашган рус императорлигидаги мусулмонларнинг кенгаши уюштирилди (Москвада бу конгресс мусулмонларнинг илк конгресси сифатида қабул қилинди. Киёсланг: «Янги миллий йўл» 1937. №8, 12-б.; кўра (100-б.) биринчи конгресс 1905 йил 15 августидан Нижний Новгородда бўлган. Москвадаги конгрессга 800 миллат вакили қатнашди (100-б.). «Яна миллий йўл»га кўра эса 900 киши иштирок этган. Манбаларнинг қўпчилигида русларнинг эски ҳисоби бўйича 1917 йил 1-11 майда ўтказилганлиги қайд қилинган.). Кун тартибида 14та модда бор эди (Кун тартибида қуйидагилар эди: Ўлкани идора қилиш усуллари, маданий ва ер мухторияти: а) диний ва миллий масалалар учун вақтли ташкилот ва келажак учун доимий ташкилотнинг асосий йўналиш чизгилари; б) мусулмонлар орасида маданий ва халқ тарбияси; в) адолат ишлари; г) идора ишлари; урушга муносабат, ўқ-ўйрик мажлиси: аёллар муаммоси, ишчилар муаммоси, ер муаммолари, чегара ўлкалари муаммолари (Кавказ, Туркистон ва Козогистон), ҳарбий-ташкилий масалалар, сиёсий-ташкилий масалалар: Русия ўқ-ўйриги мажлиси учун сайлов тактикаси. Урушдан зарар кўрганларга ёрдам бериш масалалари. Бутун Русия мусулмонлари Буюк миллий шўросининг сайлови. Киёсланг: Бутун Русия мусулмонларининг 1917 йилда 1-11 майда Москвада бўлган съездининг протоколлари. - Петроград: 1917, 58 - 59 б.). Дастлабки

нотиклар бу конгресснинг турк ва ислом давлати халклари учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини уқтирдилар. Мусабекнинг фикрича, бу конгресс «Хуррият ва ислом йигилиши» эди. Муваккат ҳукуматнинг чет давлатлар комиссари С.И.Котларовский ўз нуткида: «Мусулмонлар муаммоси факат диний муаммо бўлиб колмасдан, айна пайтда сиёсий моҳиятга эга бўлган муаммодир», - деди. Озарбайжонлик Али Мурод Тўпчибоши очилиш маросимидаги нуткида, рус вақтли ҳукумати мусулмонларни англаб етмаганлигини ифодалаб шундай деди: «Муваккат ҳукуматнинг фаолиятида биз ишонч учун асос кўришимиз керак. У ҳолда биз ҳам ҳукуматни ҳурмат қиламиз. Умид қиламизки, бундан кейин бизнинг истакларимизга ҳам қулоқ солинади». Кенгаш раёсати қисман, Русиянинг Туркистондаги вақтли ҳукуматига қарши чиқиб, чор Русияси сиёсатини қоралаши маҳаллий ҳусусиятга эга эди (Туркистон делегациясининг бошлиғи Убайдуллаҳўжа ўз нуткида шунга диққатни жалб қилди: «Биз Туркистон мусулмонлари турли миллатлар орасида ҳуқуқларидан тамоман маҳрум ва азият чеккан бир миллатмиз... ўз ҳурриятимиз йўқ. Хатто ўз уйимизда ишончсиз ўтирамыз, чунки ҳар қандай полициячи бизни ушлаб олиб кета олади...» Еттисув вакили Зайниддин Тождин ўз халқининг аҳоли ва айниқса, рус аскарлари ҳамда рус колонизаторларининг қирғизларга қарши қайфияти муаммоларини баён қилди. Конгресс Русия ҳукуматига телеграф орқали мурожаат қилиб, қирғизларга қарши ғустохликларни бироз тўхтатишни илтимос қилди. Нутқлар ва телеграфларнинг тўлиқ матни учун қаранг: Бутун Русия, Убайдуллаҳўжанин нутқи, 49 - 52 б.; Тождиннинг сўзи. 75 - 78 б. ва телеграф матни 79 - 80 б.).

Кенгашнинг асосий муаммоси Русиянинг келажакдаги давлат тузилиши ва ўзларининг шунга лойиқ ҳаракатини белгилаш эди. Бу муаммо турк қавмларнинг вакилларини ниҳоятда қизиқтирар эди. Музоқаралар давомида бири иккинчисидан асослироқ бўлган шаклдаги икки ҳил қараш борлиғи аён бўлди.

Аёз Исоки (Исҳокий) йўлбошчиси ва бошлиғи бўлган Идил-Урал вакиллиғи қўллаб-қувватлаган Аҳмад Солихов ғуруҳи бирлашган рус давлати доирасида турк қавмлар учун маданият муҳторият талаб қилди.

«Аҳмад Солихов Русия турклари муаммосини ҳал қилиш учун бирлашган Русия зарур деб ҳисобларди. Чунки бирлашган давлат ер масаласини ва ижтимоий муаммоларини яхши ҳал қила олади; бутун ернинг бўлиниши эса қавмларнинг тарқалиб кетишига ҳамда маданият жихатидан ўзаро фарқ қиладиган турк қавмларнинг бирлашишига тўсқинлик қилади». Солиховнинг ҳулосаси шундай эди: «Миллий масалаларни ҳал қилиш борасида мусулмонлар учун ягона йўл - ҳусусий ҳурриятга асосланган маданият муҳториятга эришишдир» (Бутун Русия, 101-6.).

Шуни айтиш керакки, Солихов рус конституцион демократик партиясининг таъсири остида эди. Бундан ташқари у масалага Сибирь ва Шимолий Кавказда рус аҳолиси ўраида озчиликни ташкил қилувчи турк элатлар нуктаи назаридан ёндашади. Солихов Думада доим мусулмонларнинг умумий манфаатини ҳимоя қиларди. У 1917 йилги болшевиклар инқилобидан сўнг мамлакатдан чиқиб кетди ва 1928 йили 2 сентябрда Варшавада вафот этди («Yeni Tiirkistan» 1928, №2-3, 12-6.). Унинг бирлашган давлат ҳақидаги фикрларини ўзлаштирган Аёз Исокий шундай бир қараш тарафдори эди: «Агар бир Федерация қурилса, миллат ва унинг ерлари асос қилиб олинади. Бу тартиб қабул қилинган тақдирда, чегара ўлкаларидаги мусулмонларимиз ўз давлатларини туза билади ва ўз мамлакатининг эгалари бўлади. Қирғизлар (қозоқлар) ва туркистонликлар ўз ерларида қўпчиликни ташкил қилганликлари учун мустақил юрт бўла олади. Лекин

Русиянинг ичкарасида бундай давлатларга бўлинишининг иложи йўк. Идил (Волга) ўлкаси ва Сибирь мусулмонлари ўзлари яшаётган жойларда озчиликни ташкил қилганликлари учун мухториятни қўлда саклай олмайдилар. Булар бошқа миллатлар билан бирга ўзлари яшаётган мамлакатга мухтор давлат сифатида боғланадилар. Озчилик бўлганлиги учун ҳам ҳуқуқларини химоя қилиши қийин кечади. Хали келажакда миллионларча турк-татарлар бошқа миллатлар ичида йўк бўлиб кетади»(Исокийнинг тўлиқ нутқи матни учун қаранг: Бутун Русия, 221-6.).

Юкоридаги фикр ташвиқотчилари ўз миллий гуруҳининг ҳуқуқларини химоя қилиш учун Туркистон, Қрим ва Озарбайжоннинг мураккаб давлат бўлиб шаклланишида фидо бўлишга ҳам тайёр эдилар. Чунки бу ўлкаларда рус императорлигидаги мусулмонларнинг мураккаб қўпчилиги яшамоқда эди. Бирлашган давлатчилар(Қуйидаги шахслар ўз нутқларида бирлашган давлат тузиш фикрини илгари сурдилар: Солихатий, Султонбек Мамлиев, Фотима Туташгул Аҳмедова, Хайдар Баматов, Иброҳим Хабилов, Ф.Агипов, Акбар Содиков, Аёз Исаков (Исокий).) Солихов орқали ифода қилинган ўз лойиҳасини илгари сурдилар. Лойиҳанинг матни шундай:

1. Русия марказлашишга асосланган, ўз парламенти бўлган халқжумҳурияти бўлиши керак.

2. Мусулмонларнинг миллий-маданий мухториятига Русия Конституцияси қаролат бериши лозим(Бутун Русия, 108-6.).

Федерация учун қурашувчилар ўлка мухториятини ёқадилар. Бу оқимнинг етакчиларидан Озарбайжон вакили Меҳмет Амин Расулзода ўз нутқида қуйидагиларни баён қилди:

«Биз, яъни турк-татар кавмлари бир ирдан турк авлодлари бўлсак-да, ҳар биримиз ўзимизга хос хусусиятларга ҳамда фарқланувчи лаҳжаларга эгаллигимизни инкор қилмаймиз. Ҳозирги вақтда Волга хавзаси татарларининг ўз адабиёти, наشريёти, ёзувчилари ва шоирлари бор. Туркистон чигатойчиси ҳам бой адабиёт эгасидир. Қозок-қирғизлар янги тараккиётга йўл олдилар. Буларнинг ҳеч бири ҳар қандай шарт билан ўзлигидан воз кечмайдилар. Худди шундай, Озарбайжон турклари ҳам ўз тилидан, адабиётидан ва одатларидан юз ўгирмайдилар. Бу хусусиятлардан воз кечиш шарт эмас, бундан фойда ҳам йўқ эмас. Ҳар бири ўз табиий йўлида давом этмоғи керак. Турки дарёларнинг оқиб қуйиладиган бир денгизи бор, бу денгиз Турк денгизидир. Мана шу сабаблардан қелиб чиқиб, миллий ва мамлакат фарқларига асосланиб, ўз ўлкаларига ва турли хусусиятларга эга бўлган Озарбайжон, Туркистон, Қозғистон ва Қирғизистон (Қозғистон - муаллиф) учун мухторият бўлишини орзу қиламиз»(Бутун Русия, 118-6.).

Федерациячиларнинг вакиллари ҳам йиғилганларни ўз фикрларидан бохабар қилишни лозим топдилар. Туркистон вакиллари бошлиғи Ўбайдуллаҳўжа ўз нутқида

Туркистоннинг миллий мухториятга эришиш ҳуқуқи ҳақида шундай деди:

«Мухтарам беклар! Бу ерда икки оқимга ажралиш қўринапти. Бу ажралишда мен бир хато қўряпман. Янглиш йўлдагилар муаммоларга ўз дини ва миллий қовак-ларидан қараяптилар, бунга шубҳа ҳам қилмаймиз. Бу муаммоларнинг сиёсий назардан ўзига хос қегаралари бор. Шунинг учун масалага иқтисодий жиҳатдан ҳам ёндашайлик. Бу жиҳатдан мусулмонларнинг ақсарияти Туркистон, Қавқаз ва Қозғистон учун иттифок тарафдорларидир. Бу уч буюк ўлка ҳамжиҳатлик билан, биз бир иттифокка қирмоқчимиз демокдалар. Бунга қарши бўлганлар жуда озчиликдир. Улар бир федерацияга қириш керак бўлганда ўзини йўқотиб қўядилар. Туркистонда бирон-бир мусулмон федерацияга қарши овоз билдирмади. Туркистонда жуда қўпчилик иқтисодий жиҳатдан сиқилган. Биз

туркистонликлар мазлумликдан кутулиш учун иттифок талаб килмоқдамиз. Бизнинг миллий ва диний орзуларимиз билан сиёсий ҳудудларимиз борасидаги қарашларимизда ихтилоф бор. Бизнинг еримизда бизнинг истакларимиз ҳоким бўлишига ҳақлимиз».

Иттифокка қарши сўзлаганлар:

1. Иттифок антидемократик тузилиш эканлигини дастак қилиб кўрсатдилар, бу зотлар Амрико давлатини федератив давлат эканлигини унутдилар. Бирор қимса даъво қилолмайдик, мазкур давлатда демократик ҳуқуқ йўқ ёки талончилик бор деб. Амрикоча демократияга эга бўлган иккинчи бир миллат мавжуд эмас.

2. Федерация тузилса, қучлар парчаланиб, мусулмонлар заифлашади, дедилар. Бу янглиш фикрдир. Ҳеч бир давлат дарвозаси ёпик бўлмади, аксинча, у ҳамма учун очик бўлади. Бундан ташқари, алоҳида-алоҳида давлатлар парламентда (рус давлати парламентида - муаллиф) ягона бир қучга айланадилар.

3. Иттифок вужудга келса, мусулмонлар парчаланиб кетишидан ҳавфсирамоқдалар. Мамлакат чегаралари белгиланиб олинса ҳам бирлашиш мумкин. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мусулмонлар мустақил бўлса, диний нуқтаи назардан ислом бирлигида қолаверади. Масалан, Туркияга қарши уруш бошланса, биз Русия мусулмонлари турклар билан руҳий ва диний бирликда қолаверамиз. Эркин давлатлар бор жойда ислом бирлиги қучли бўлади (қарсақлар). Биз, Туркистонлик вакиллар, кенгашга қелишда иттифоқчун қарор қилганмиз ва майдоннинг (Русиянинг - муаллиф) қисмида яшашимизни ҳисобга олиб, бу қароримизга ҳеч қим қарши чиқмаса керак, деб ҳисоблаганмиз. Қарашларимизни вакиллар яхши қутиб олишларига ишонганмиз. Биз Москвага бир-биримизни енгил учун эмас, бирлашиш учун қелдик. Шунинг учун биз делегатлар сонини кўпайтирмадик, сизларга ишондик. Бу ердаги ҳодисаларни агар олдиндан билсак, яна 500 вакил олиб қелардик (Федералчиларнинг етакчи нотиклари қуйидагилар эди: Мехнат Эмин Расулзода, Абдулла Сулаймоний, Розия хоним Сулаймония. Фуад Тўхтаров, Убайдуллаҳўжа Тўпчибоши, Фотих Қаримов, Дўстмуҳаммадули.). Қавқазликлар, қирғизлар (қозоқлар - муаллиф) ва бошқалар ҳам шундай қилган бўларди. Унда биз сизларга нисбатан кўпчилиқни ташқил қилардик. Биз бу ерга ишлаш учун қелдик. Бу кенгаш бир мунозара, баҳс мажлисига айланишини билмас эдик... Унитаристлар бизни тесқаричилар ҳисоблаб, ўз-ўзимизни идора этишга ожиз деб ўйлаётдилар. Бу даъвонинг Николай даъволари билан ўхшашлиғи бор (олқиш). Бизнинг тарихимиз - оталаримиз шухрати билан маъруф. Туркистон миллати ўз сиёсати ва оталаримиз идораси учун қурашиб қелган миллатдир... Бизда ҳам тарбия қўрган қўп инсонлар бор. Шу ўринда қичик бир қалил қелтиришни ўринли деб ҳисоблар эдим. Февраль инқилобидан сўнг 21 қишидан иборат шўро туздик. Бу қонун қичарувчи шўро бўлиб, маҳаллий идоралар мавзусида режалар, лойиҳалар тайёрлади. Бу шўронинг аъзолари қимлар дерсиз? Бу шўро аъзолари тесқаричи қуллалар ва қариялар эмас. Қаммаси олий таҳсил қўрган қимсалар. Миллат қимларни сайлаш лозимлигини қилди ва миллатсеварларни сайлади. Бу ҳам миллатнинг нақадар талабчан бўлганлигини аниқ қўрсатиб турибди. Шўро аъзоларидан беш нафари шу ерга ташриф буюрганлар. Бизнинг (ўз-ўзимизни идора қилишимиз учун - муаллиф) одамларимиз қорлиғига шак қелтириб бўлмади. Бундай одамларимиз бор ва бундан кейин ҳам бўлажакдир (олқиш) (Бутун Русия, 212-15-р.).

Федерациячилар ҳам қонгрессга Расулзода баён этган ўз қарорлари лойиҳасини тақдим этишди. Бу лойиҳада турк қавмларнинг муайян ўлкаларда тигиз (қампакт) яшайдиганлари учун миллий мухторият, муайян бир тупроқ бирлиғига эга бўлганларига

эса маданий мухторият талаб этиларди(121-23-6; Бутун Русия 184-6. 26-6.111.).

Федерациячилар 446 овоз, унитарчилар 271 овозга эга бўлиб, федерациячилар фикри қабул килинди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар икки таклиф ҳам рус давлати кўл остида яшовчи туркларнинг фаркли ҳолати натижаси эди. Федерация ва айни замонда ўлка мухториятини ёклаганлар, маданий мухторият истаганлар каби ички Русиядаги туркларнинг жугрофий, иктисодий, сиёсий-миллий ҳолатларини акс эттирган эди(Аёз Исокий, 20-йилдан кейин турк-татарлар муаммоси ечими унитаризм масаласи билан алоқадорлигини куйидагича баён килди: Волга (Идил] турк-татарлари ўлканинг бир ёндан иктисодий ва жугрофий вазияти туфайли, иккинчи томондан, татарларнинг яшаш шароитлари (улар Русиянинг ичкарасида бири иккинчисидан узок яшарди) сабабли майдонга келган факат ўзларига оид йирик муаммолар олдида ўралашиб қолди. Бундай ҳолда Козон, Пенза, Хабаровск ва Архангелскда яшайдиган татарларнинг миллий бирлигини янгидан яратиш имконсиз кўринади. Киёсланг: «Яна миллий йўл», 1937, №9, 7-6. Исокий ва Солихатий баъзи вакилларнинг чиқишларини эшитиб, чидашга мажбур эдилар. Масалан, Еттисув ўлкасидан Дўстмухаммад шундай деди: «Мухаррир Исаков, Солиховнинг фикрларини қувватлади. Исаковга махмадоналик билан сиёсатнинг бошқа-бошқа нарса эканлигини айтишга мажбурман. Яхши муҳдиррир, айни вақтда сиёсатни мухтасар тушунадиган одам бўлиши ҳам мумкин. Киёсланг: Бутун Русия, 196-6.). Турк кавмлари пешқадамларининг федерация ва унитарчилик тарафдорлари орасидаги фарқ, айниқса, 1917 йил февраль инқилоби натижалари тугатилгач, қучайиб кетди(Ўша замоннинг бевосита шохидларидан бўлмиш Мустафо Чўкай, кейинроқшундай деб ёзади: «1917 йил инқилоби бошлангандан берибиз (турк кавмлари - муаллиф) кенг тарқалган ҳасталик - федерализм ва унитаризм таъсири остида қолдик. Ҳаммамизга юккан бу касалликнинг биринчиси рус инқилобчиларига ишонишимиздан. Иккинчиси бошқа бир йўл тутсақ, халқнинг ишончини йўқотиб қўйишимиздан кўркиш натижасидадир. Киёсланг: Т. 1935, №63, 17-6. Бундан кўринадики, Туркистоннинг тараккийпарвар қучлари бошқа бир қарорга келган тақдирда ўз кавмларининг наздида об-рўларини нима сабабдан йўқотиб қўйишларини англаб етмаганлар Туркистон мусулмонлари конгресси Туркистон миллий шўросига турли вазифалар юклади.).

Мусулмонлар кенгашининг энг катта ютуқларидан бири «Миллий марказий шўро»ни таъсис этиши эди. Шўронинг 30 нафар аъзоси бор бўлиб(Von Hende, Der Nationale Kampf, 123-6., бўйича. «Бутун Русия Муҳаммадилари шўроси» М 1937, №8. (113). 7-бетга «Русия Муҳаммадилари шўроси»), уларнинг етти нафари собиқ Туркистон бош волилигидан, 5 нафари эса собиқ Дашт бош волилигидан эди. Шўронинг бошлиғи Аҳмад Солихов бўлди(Марказий шўронинг туркистонлик аъзолари: Ўбайдуллаҳўжа, Заки Валидий, Қулбай Тўғузўгли, Жўйнақўгли, Абдулҳоликўгли, Ўринбойўгли Қушчиқулўгли, Ўрозбойўгли, Дўстмухаммадўгли, Таначўгли ва Дўстжон Аккағиз хоним. Киёсланг: 359-6. Миллий марказий шўро аъзоларининг ўлкалар бўйича тақсимооти шундай эди: Туркистон 7, Қозогистон 5, Кавказ 2, Қрим 2, Литва татарлари 1, Волга ва Сибирь татарлари 10. Киёсланг: Von Hende, Der Nationale Kampf, 123-6.).

Кенгашда навбатдаги 2-Кенгаш Қозонда, учинчиси Тошкентда ва тўртинчиси Боқуда ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Бу қарорга биноан «Миллий марказий шўро» мусулмонларининг иккинчи кенгаши 1917 йил 3 сентабрида Қозонда ўтказилиши мўлжалланди. Бу кенгашда улар Русия қонунининг асосий мажлиси ҳақида ўз қарашларини билдириши ва турк кавмларнинг мавқеи масаласини баҳс этишлари лозим

эди. 2-Кенгашга турк ва ислом мамлакатларидан кўпчилик вакиллар кела олмади. Бир тарафдан Корнилов кўзголови натижасида йўл юриш кийинлашган бўлса, иккинчи томондан, маъмурларнинг бир қисми ўз муаммоларини ҳал қилиш билан банд бўлиб, кенгашга катнашмади. Шу сабабли Козондаги 2-Кенгаш рус императорлигидаги барча мусулмонларнинг эмас, кўпроқ Идил-Урал туркларининг кенгашига айланиб кетди. Бу кенгаш Идил-Урал туркларининг тараккиёти учун фавқулодда аҳамиятли бўлди. Бу ерда 4 сентябрь 1917 йили ички Русия ва Сибирь турк татарларининг маданий мухторияти эълон қилинди ва маркази Уралда бўлган «Миллий мажлис» сайланди. Бу конгрессда ҳам турли хил муҳим масалалар ўртага ташланди (Козон конгресси ва Миллий мажлиси аъзолари ҳам бир-биридан фарқ қилувчи уч хил фикр атрофида гуруҳларга уюшган эди: а) туркчилик тарафдорлари; б) татарчилик тарафдорлари, федерация - социалистлари; в) ислом тарафдорлари (ислом бирлигини ташвиқ қилувчилар). Заки Валидий бошқирдлар учун ўзига хос мухторият ҳукукини истарди. Таклифи конгресс томонидан рад этилгач, Заки Валидий мажлисни тарк этди. «Руслар Заки Валидийни кўллаб-қувватлаб турди. Чунки туркларнинг ажралиб кетиши, уларга айнан керак бўлган сиёсат эди. Бундан келиб чиқадики, Заки Валидий туркларни парчалашга муваффақ бўлди. Бошқирдларни бошқа турклардан айириб, мухтор Бошқирд ҳукумати тузди». Киёсланг: 1932, 148-6. Москвада ўтказилган май конгрессида бошқирд вакиллари миллий майдон мухториятига асосланган федерация учун овоз бердилар. Козондаги сентябрь конгрессида эса мухтор ҳукумат «Буюк Бошқирд» ташкил қилиш истагини билдирдилар. Фақат бу ерда «Кичик Бошқирд» гоёси қолиб қолди. Киёсланг: A. Buttal Taymas, Karan Turkleri, Ankara, 1966, 2-нашр. 200-6.). «Миллий марказий шўро» рус ҳукуматининг истикболдаги тузилишига доир турк кавмларнинг қарашларини вақтли ҳукуматга етказди. Ягона «Миллий марказий шўро» ўқийлик (конституция) тайёр бўлгач, кўпчиликни ташкил қилувчи ҳукумат эмас, балки рус императорлигидаги хилма-хил миллатларнинг вакиллари иштирокидаги иттифок ҳукуматини тузиш тарафдори эди. Ана шу масала юзасидан «Миллий марказий шўро» вакиллари Аёз Исокий, Садри Максудий ва Шоисломлар 1917 йил августида Петроградда Лвов (бош нозир), Керенский (Русия инқилобчи социалистик партия раҳбари) ва Чхеидзе (Ишчи, аскар дехқонлар шўроси раиси) ҳузурида бўлдилар. Муваккат ҳукуматнинг бу йўлбошчиларидан бирортаси иттифок ҳукуматини тузишга рози бўлмади. Муваккат ҳукумат турк ва ислом кавмларига ўлка мухторияти эмас, ҳатто маданий мухторлик ҳам бермаслиги равшан бўлиб қолди. Бу борада қорасиз қолган «Миллий марказий шўро» вакиллари вазиятни ўрганишга киришдилар. Аслида 1917 йилги Козондаги конгресс турк кавмлари ҳамкорлигини давом эттириш юзасидан сўнги ва охириги муваффақиятсиз тажриба эди. Бундан кейин турк кавмларнинг раҳнамолари миллий қурашни ўз миллий кавмлари доирасидагина давом эттирдилар.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой ораллигида" китобидан